



ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ БИЛАН 300 ГА ЯҚИН БИНО БУЗИБ ТАШЛАНАДИ

2014-йил 3-июлда Ўзбекистон Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат мулки объектларидан фойдаланиши бўйича кўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра давлат мулкидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни таъминлаш ва давлатга тегишли фойдаланилмайдиган ва қуриб битказилмаган объектлардан фойдаланиш мақсадида 299 та иншоот бузиб ташланади.

Бузиб ташланиши керак бўлган объектлар рўйхати қарорга илова қилинган бўлиб унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасидаги 52 та, Андижон вилоятида 28 та, Бухоро ва Жиззахда 9 тадан, Қашқадарёда 28 та, Навоийда 26 та, Наманганда 16 та, Самарқандда 6 та, Сурхондарёда 58 та, Сирдарёда 6 та, Фарғонада 29 та ва Хоразм вилоятида 32 та объект бузиб ташланади.

Бузиладиган иншоотлар рўйхатига даволаш муассасалари,

дўконлар, туғруқхоналар, ҳаммомлар, болалар боғчалари, мактаблар бинолари ҳам киритилган.

Хусусан, Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинати собиқ биноси, Беруний туманидаги касб-хунар коллежининг собиқ биноси ва шу тумандаги 44-сонли мактабгача таълим муассасасининг собиқ биноси, Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги 13-сонли мактаб собиқ биноси, Шаҳрихон туманидаги 42-сонли мактабгача таълим муассасасининг собиқ биноси, Бухоро вилоятидаги «Гулдаста» ва «Махтумқули» номли мактабгача таълим муассасаларининг собиқ бинолари ва бошқалар рўйхатдан жой олган.

Мазкур иншоотларнинг бузиб ташланаётганига сабаб уларнинг hozirda фойдаланилмаётгани ёки охиригача қуриб битказилмасдан қолиб кетганлиги айтилади.

Қарорнинг ижросини таъминлаш Бош вазир Шавкат Мирзиёев зиммасига юклатилган.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонга таъқиқланган диний мазмундаги материаллар олиб кириш кўпайган

«Самарқандский вестник» нашрининг ёзишича 2014 йилнинг биринчи ярми мобайнида Ўзбекистонга диний мазмундаги таъқиқланган материаллар олиб кириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ўтган йилнинг айна даврига нисбатан кўпайган.

Хабарда, диний адабиётларни олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсати билан амалга оширилиши қайд этилади. Қўмита экспертлари бошқа давлатлардан республикамизга олиб кириладиган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудида сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилувчи ҳулосаларини беради. Аммо ҳозирда аксарият фуқаролар турли диний мазмундаги адабиётларни замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда олиб киришга ҳаракат қилишади.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчиси Лутфуло Зиёдуллаевнинг сўзларига кўра, жорий йилнинг олти ойи давомида божхона чегараси орқали ноқонуний тарзда диний мазмундаги материаллар, видео, аудио ва фото тасвирларни олиб ўтиш билан боғлиқ 11та ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилган. Ҳуқуқбузарлардан 1384 та диний мазмундаги материаллар олиб кўйилган.

Таҳлилларга кўра, божхона чегараси орқали ноқонуний тарзда диний мазмундаги материалларни олиб кириш ва тарқатишга бўлган уринишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага кўпайган. Бу фуқароларнинг вақтинча ишлаш мақсадида чет давлатларга бориб, билиб-билмаган ҳолда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидাপарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни ўқиб-ўрганиши ҳамда келгусида фойдаланиш мақсадида мамлакатимизга олиб келаётгани билан боғлиқ, дейилади хабарда.

ЎХХ ахборот бўлими

*Ўзбекистон халқ артисти
Озодбек Назарбековнинг
Термиздаги “Алпомиш”
ўйингоҳида бўлиб ўтиши
олдиндан роса реклама қилинган
концерти бекор бўлди.*

*Сурхондарёнинг олис
туманларидан кун иссиғида
автобусларда етиб келган
ва Озодбекнинг концертга
келмаганидан газабланган
мухлислар “Ўзбекнаво” эстрада
бирлашмаси бошлиғига
норозилик мактуби ёзишган.*

*“Ўзбекнаво” эстрада
бирлашмаси бошлиғига*


Сурхондарё вилояти аҳлининг МУРОЖААТНОМАСИ

2014 йил 14 июль куни соат 18 -00да Термиз шаҳридаги “Алпомиш” ўйингоҳида Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг концерт дастури бўлиб ўтиши тўғрисида Вилоятнинг барча кўчаларига, вилоят бўйича транспорт воситаларига ва одам гавжум жойларга реклама афишалари бир ой мобайнида жойлаштирилиб чипта “билет”лар сотиш йулга қуйилган эди.

Вилоят аҳолиси, ҳатто чекка тоғли ҳудудлари аҳолиси чипталар “билет” ларни харид қилган бўлсада чиптада нарх курсатилмаган бўлсада асосан 10 минг сўмдан сотилган, баъзи бир ҳудудларда чипта нархи 10 минг сўмдан юқори нархда сотилган.

Ушбу концерт дастурини кўриш учун чипта “билет” олиб вилоятимизнинг олис ва яқин туманларидан қарийиб 5 мингдан ошиқ мухлислар автобус ва енгил транспорт воситаларида соат 12-00дан Термиз шаҳрига етиб келиб, “Алпомиш” ўйингоҳи атрофида йиғилишиб концерт дастурининг бошланишини иссиқда қийналиб интизорлик билан кутишди. Мухлислар концерт дастурига келиш учун бир неча 10 минг сўмлаб йул харажатлари килиб келишган.

Концерт дастури бошланадиган вақт яқинлашиб мухлислар қатта ҳаяжон билан ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ Озодбек Назарбековнинг концерт дастурига киришмоқчи булиб турган бир вақтда ИИБ ходимлари томонидан “Алпомиш” ўйингоҳини 2-3 қават бўлиб ўраб олиб мухлисларни



Сурхондарёлик мухлислар Озодбекка нисбатан қаттиқ чора кўрилишини талаб қилишмоқда

ичкарига киритмасдан, яна 2 соатдан ортиқ ушлаб туришган. ИИБ ходимларини раҳбарияти қўнғироқ қилиб концертга Озодбек Назарбековнинг келмаганлигини билгач мухлисларга хабар берган. Мухлисларнинг кайфияти тушиб кўпчилиги кекса отахон ва онахонлар, ёш болалар ҳамда кўпчилиги аёллардан иборат булганлиги туфайли Термиз шаҳрини 14 июль кунида энг жазирама иссиқ кун бўлганлиги ҳамда кўпчилиги рўза тутиб, силласи қуриб норозилик билдиришган. Ушбу концертга Сурхондарё аҳолисини “Мухтарам” ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ Озодбек Назарбековнинг келиб концерт нега бермаганлигини суриштирганда, Озодбек Назарбеков концерт ўтказиш учун Термиз шаҳрига келмаганлиги ва бунинг сабабини мухлисларга олдин ҳам уша концерт ўтказиладиган вақтда ҳам аниқ маълумот берилмаган.

Чипталар харид қилинган кассаларда кеч соат 19.00-20.00 атрофида пулини кайтариб олиш учун одамлар сони кўпайиб кетиб, ҳатто жанжал келиб чиққан. Шунга қарамай кассаларда пул етишмай қолиб кўпчилик чипта пулини кайтариб ололмастан аччиқланиб, норози бўлиб кетишга мажбур бўлишган, чунки кўпчилик Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи ва ҳоказо тоғли худудларига

қайтиб кетишган. Шунинг учун Сурхондарё вилояти аҳолисини Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбековга нисбатан норозилик билдириб тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси раҳбариятидан ушбу кимсадан конституцион ҳуқуқларини талаб қилиб, Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбековга нисбатан қаттиқ чораларини қўллашини сўраб мурожаатнома юбормоқда. Ушбу ҳолатга ўхшаш артистларнинг айби билан Сурхондарё вилоятида охири пайтларда кўп такрорланмоқда. Бундай ҳолатлар бўйича Республика “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ҳамда Сурхондарё вилояти бўлими била туриб ҳеч қандай чоралар кўрилмасдан қолмоқда.

Чунки Сурхондарё вилояти аҳолисининг оғзаки гапи бўйича Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбековни ҳеч қачон жавобгар бўлмаслиги сабаби,

У айтишларича Президентимиз И. Каримовни севимли хонандаси эмиш. Шу сабабли ушбу ҳолат бўйича агар Республика “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тегишли айблов чораларини кўрмаса, Сурхондарё вилояти аҳолиси тегишли ОАВга ёзма равишда мурожаат мажбур буламиз.

*Ҳурмат ва эҳтиром билан
Сурхондарё аҳолиси.*

ЎХХ ахборот бўлими



Ўзбекистонда пенсия ишини расмийлаштириш қоидаларига ўзгаришлар киритилди

Молия вазирининг буйруғи билан «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, деб хабар берди Norma.uz.

Хусусан, I гуруҳ ногиронлари ва 80 ёшдан ошган кексаларнинг парвариши билан шуғулланаётган шахсларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби белгиланди. Унга кўра бундай шахслар ҳар 12 ойда бир мартаба амалга оширилаётган парвариш ишлари юзасидан текширув актини расмийлаштирадилар. Шундан сўнг текширув актининг бир нусхаси ногирон ёки 80 ёшдан ошган кекса шахснинг нафақа ишига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса парвариш билан шуғулланаётган шахсга берилади.

Йўриқномага Тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясидан (ТМЭК) ўз вақтида текширувдан ўтмаган шахсларнинг мурожаат қилиши кун ва белгиланган муддатда текширувдан ўтишини белгилаб берувчи норма ҳам киритилди. Мурожаат қилинган кун I ёки II гуруҳ ногиронлик аниқланган кун деб ҳисобланиши белгиланди.

Бундан ташқари, ўзгаришларга кўра, доимий яшаш мақсадида 1992 йил 13 мартда имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо давлатлари фуқаролари ҳуқуқларининг кафолатлари

тўғрисидаги Битимга аъзо давлатлардан бирига ёки пенсия таъминоти тўғрисида икки томонлама шартномага эга давлатларга доимий яшаш учун кўчиб кетган шахсларнинг пенсия ишлари энди олдингидек пенсионернинг сўровномаси бўйича эмас, балки пенсионернинг янги яшаш манзилидаги Пенсия жамғармаси бўлимининг сўровномаси асосида почта орқали юборилади.

Бироқ, пенсионернинг давлат олдида қарзи мавжуд бўлган ҳолда ортикча пенсия тўланганлиги аниқланса содир қилинган суистеъмолчилик (нотўғри ҳужжатларни тақдим қилганлик, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия тайинланганда оила аъзолари сонининг ўзгарганлиги ҳақида хабр бермаганлик) учун пенсия иши етказилган зарар тўла қопланганидан сўнгина берилиши мумкин.

Бундан ташқари ҳужжат тўловларни янгилаш мақсадида пенсионерни янги яшаш манзили бўйича рўйхатга қўйиш учун мурожаат қилишнинг энг узок муддатини ҳам белгилаб беради. Пенсия тўлаш, ижтимоий ёрдам ва бошқа турдаги тўловлар пенсионернинг олдинги яшаган манзилида мазкур тўловлар тўхтатилган кундан эътиборан, бироқ янги манзилга рўйхатга қўйиш бўйича мурожаат қилишдан олдин 3 йилдан ошиб кетмаган муддат учун тўланади.

ЎХХ ахборот бўлими

Гулноранинг шериклари жазо олдилар

«БиБиСи» радиосининг Ўзбек Хизмати хабарига кўра, Ислон Каримовнинг тўнғич қизига шерик бўлган икки шахс бир неча йиллик қамок жазосига ҳукм қилинган.

Гулнора Каримованинг яқин ҳамқори бўлган Рустам Мадумаровга 10 йиллик қамок жазоси берилган. Аммо суд залида умумий авф қўлланиб, жазонинг учдан бир қисми бекор қилинган.

Гаяне Авакян эса бошида 9 йилга ҳукм этилган, аммо умумий авф қўлланилиб, 6 йиллик қамок жазоси тайинланган.

Икковлон ҳам, асосан, солиқдан бўйин товлаш ва пул ювиш каби жиноий ҳаракатларда айблангани айтилади. Маҳкумларга яқин манбаларнинг айтишича, улар маҳкама қарорига қарши шикоят аризаси билан мурожаат қилишади.

Гулнора Каримованинг ўзи ҳақидаги сўнгги хабарлар эса анча зиддиятли.

Ўзбекистон ҳукуматида яқин uzmetronom.com вебсаҳифасига кўра, Гулнора Каримова бир неча кун олдин Болтикбўйидаги бир мамлакатда ўз туғилган кунини нишонлаган.

Гулнора атрофидаги машаахаларни кузатиб келаётган манбалар ҳам Гулнора Каримова Ўзбекистонни тарк этган, дейишмоқда.

Аммо унинг Лондонда яшаётган ўғли Ислон Каримов ўз онаси ҳамон Ўзбекистонда уй қамоғида қолаётганини таъкидламоқда.

Бу жиноий гуруҳнинг кўзга кўринган вакили Рустам Мадумаровни Гугушанинг фуқаровий эри, деб таърифлашади. Гаяне Авакян эса бир неча Оврўпо давлатларида бошланган пул ювишга оид ишларда номи тилга олинган шахс бўлиб, Гулнора Каримовага боғлиқ тижоратларни юритган.

Ҳозирда Гулнора Каримова ўз тижорат салтанатидан айрилган ва уй қамоғида сақланмоқда, деб ишонилади.

Баъзи таҳлилчиларга кўра эса, гўё Гулнорани жазолаган бўлиб, дунё кўзини шамғалат қилаётган бўлишлари мумкин. Чунки Гулнора Каримовага қарши бирон айблов илгари сурилгани йўқ.

ЎХХ ахборот бўлими

Бутун дунё мамлакатларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам биринчи ярим йиллик тугади ва ўтган давр учун якуний ҳисоб-китобларни қилиш вақти келди. Ўзбекистон иқтисодиётидаги расмий кўрсаткичларнинг амалиётда қанчалик ақс этишига бағишланган «Биржевой лидер»да эълон қилинган мақола муаллифи ўз таҳлилини айнан мана шу сўзлар билан бошлайди.

«Эски кадрдон совет



давомида инфляциянинг расмий қутилган даражаси тахминан 7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳақиқий инфляция кўрсаткичини эса ўзбеклар амалда давом этаётган ва нархи деярли уч баробарга ошиб кетган ширинлик — «шакар инкирози» мобайнида ҳис қилишди. Бу шароитда ҳукуматнинг барча пресс-релизлари ва ҳисоботлари бир пулга қиммат бўлиб қолади. Шу ўринда пул ҳақида гапирадиган бўлсак,

ЎЗБЕКИСТОН: РАСМИЙ СТАТИСТИКА — ИҚТИСОДМИ ЁКИ АРИФМЕТИКА?

давридаги сингари жамоатчиликка одамларнинг ватанпарварлик даражасини оширишга ва уларни ўз мамлакатлари билан ғурурланишга чорлайдиган миллий иқтисодиётнинг ўсиб бориши ҳақидаги мустаҳкам рақамларни ҳавола қилиш вақти келди. Бироқ, давлат мулозимларининг шўх-шодон маърузалари ва ҳисоботлари ниманинг ҳисобига ёзилмоқда, деган савол берилса Ўзбекистон ЯИМ ҳақидаги бўрттирилган рақамларнинг ҳақиқатдан анча йириқ эканлиги ошқора бўлади қолади», — дейилади мақолада.

«Хаёт кун сайин янада бахтлироқ бўлиб бормоқда»

Ўзбекистон расмий ОАВ, жумладан интернет нашрлари берган хабарларга кўра, яқинда Тошкентда жорий йилнинг биринчи ярмида давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган Ўзбекистон ҳукумати мажлиси бўлиб ўтган. Қайд этиш лозимки, мамлакатдаги юқори иқтисодий ўсиш ва жиловланган инфляциядан баҳс этувчи расмий статистика бу сафар ҳам мулозимларни «уялтириб» қўймади. Хусусан, ҳукумат эълон қилган рақамларга ишониладиган бўлса, Ўзбекистонда ЯИИ ўсиши қутилаётган кўрсаткичлардан, шу жумладан Халқаро Валюта Жамғармаси прогнозларидан ҳам анча ошиб кетиб 8,1 фоизни ташкил қилган.

Ўз навбатида саноат ишлаб чиқаришидаги ўсишда ҳам айна ҳолат кузатилган, масалан қурилиш соҳаси ривожланишидаги ўсиш 17,4 фоизни ташкил қилган.

Шу билан бирга, расмийларнинг қайд этишича инфляция даражаси «қутилган кўрсаткичлардан» ошмаган, бироқ мазкур кўрсаткич борасида аниқлик киритилмаган. Яна бир ажойиб кўрсаткич эса 2014 йилнинг биринчи ярмида атиги 0,1 фоизни ташкил қилса ҳам Ўзбекистон давлат бюджетининг фойда билан бажарилгани ҳақида. Унга кўра ҳукумат шунчалик мувозанатни сақлаган ҳолда бюджет сиёсати олиб борганки натижада давлат молиявий харажатлари, шу жумладан, ижтимоий соҳадаги харажатлар ҳажми ҳам давлат газнаси даромадлари ҳажмидан кам бўлган.

Рақамлар хийласи

Треjderлар ва инвесторлар учун мўлжалланган «Биржевой лидер» журналининг «Новости Узбекистана» бўлими таҳлилчиларининг қайд этишларича, нормал ҳолатда юқорида келтирилган барча рақамлар ҳақиқий иқтисодий ўсиш даражасини ақс эттириш мумкин эди. Бу эса ўз навбатида одамлар ҳаётининг яхшиланишига олиб келган бўларди. Бироқ, номинал иқтисодий ўсиш суратлари энг ривожланган иқтисодиётларга яқинлаштирилган Ўзбекистон ҳолатида бундай ёндашув иш бермайди. Ақс ҳолда статистикага кўра Ўзбекистон аллақачон ўз фуқароларини бразилияликлар ёки чилиликлар даражасида даромад билан таъминлаган бўлиши лозим эди.

Бу ерда қинғирлик нимада эканлигини аниқлаш қийин эмас. Агар 2014 йилнинг биринчи ярми

маълумки Ўзбекистонда қимматроқ бирор буюм миллий валютага сотиб олинганда харидор саватдек келадиған сумкаларни ўзи билан олиб олишига тўғри келади.

Бир вақтлар муомалада бўлган 1, 3, 5 бирликларини ташкил қилувчи ўзбек сўмларининг мавжудлигини кўпчилик унутиб юборишган, «тийин» деб аталадиган майда чақалар ҳақида эса фақат ёши улугроқ авлод вакиллари эслай олишса керак. Худди ҳазилга ўхшаб туюлса ҳам, бироқ амалга киритилган 1994 йилдан бери Ўзбекистон миллий валютаси 517 баробар қадрсизланган. Бу эса асл ҳақиқатни ақс эттиради ва Ўзбекистондаги расмий статистик рақамларни шакллантиришдаги сурбетларча ёндашувни намоён қилади.

Аслида кўпгина соҳа ишчи ва хизматчиларининг маоши 200 доллардан ошмайдиған Ўзбекистонда сўнги уч йил мобайнида ЯИМнинг 8 фоиз ўсишидан иборат бўлган барқарор ривожланиш ҳақида гапириш беҳаёликдан бошқа нарса эмас.

Жорий йилнинг ўзида бир неча маротаба содир бўлган истеъмол бозорларидаги доимий инкирозлар ҳар сафар оддий фуқароларнинг моддий аҳволини оғирлаштиради.

Айни пайтда, белгиланган суммадаги маош, пенсия ва ёрдам пули ҳисобига кун кўрувчи аҳолининг маълум бир қисмида қашшоқлашиш жараёни давом этмоқда. Бу ҳолатда эса ҳақиқий инфляция даражасининг аслида ЯИМ ўсганлигини кўрсатиш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мақсадида давлат буюртмаси асосида бўрттирилган ҳолда шакллантириладиган статистика рақамларидан ҳам ўзиб кетганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Юқорида келтирилган мисоллардан статистик рақамлар

ҳақида кўнгилга тасалли бермайдиган бир нечта хулосалар қилиш мумкин. Расмий ОАВ томонидан кенг жамоатчиликка ҳавола қилинадиган статистик рақамлар иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш эмас, балки фақат ҳисобчиларнинг «абжир қўллари»гагина ҳос бўлган куруқ

арифметика учун хизмат қилади. Бундай ҳолатда Жиззах ёки Ангрэнда яшовчи ўрта ҳол бир одам учун оғир нафас олиш ва ҳаёлида сўмда оладиган маошини «қора бозор» курсида долларга айлантириб кўришдан бошқа чораси йўқ.

ЎХХ ахборот бўлими

Шаҳрисабзда олти асрлик обида меҳмонхонага айлантирилди

Шаҳрисабзлик тадбиркор Ойбек Қўчқоров хорижий сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар — “Дўлон” меҳмонхонасини ишга туширди. Бу ҳақда “Халқ сўзи” газетаси муҳбирининг маълумотига таяниб SA-news.org хабар берди.

«15 ўринли мўъжаз меҳмонхонанинг одатдагиларидан фарқи шундаки, унда дам олувчилар қарийб олти асрлик тарихга эга бўлган агласу адраслар, хунармандлик, кулоллик ва уй-рўзгор буюмлари билан танишишлари мумкин», — деб ёзади “Халқ сўзи” газетаси муҳбири Аҳад Муҳаммадиев.

XV асрга мансуб тарихий обида негизда “Кеш-Рубинтур”



МЧЖ томонидан барпо этилган меҳмонхонада ташриф буюрувчилар учун қадимий анъаналар бўйича махсус хужра-қабулхона ҳам ишга туширилган. О. Қўчқоровнинг таъкидлашича, “Дўлон” ер ости ўтиш жойи маъносини билдиради ва бу ном машҳур Оксарой ёдгорлиги яқинидаги жойлардан бири билан боғлиқ. Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарори билан «Моддий маданий мерос объектларини ва

уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланган эди. Ушбу Низомга кўра, давлат мулки ҳисобланган ва тарихий, илмий, бадиий ёки бошқа маданий қийматга эга ёдгорликлар ва дикқатга сазовор жойлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижарага олиниши мумкин.

Мазкур тарихий ва маданий объектларда кўрғазма заллари,

меҳмонхоналар, умумий овқатланиш жойлари – чойхоналар, кафелар, ошхоналар, алкоғол ичимликлар сотилмаган ҳолда ресторанлар, банклар, почта хизматлари пунктлари, авиа ва темир йўл кассалари, маиший техникага хизмат кўрсатиш пунктлари, кутубхоналар, конференция заллари, музейлар, болалар ва ўсмир тўғарақлари, чет тилини ўрганиш курслари ташкил қилиниши мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими



Марказий Осиё давлатларига қурғоқчилик таҳдид солмоқда

минтақа 2015 йилга келиб бир қатор муаммоларга, жумладан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларга ечим топа олмайди. Бугунги кунда Кавказ ва Марказий Осиёдаги янгиланувчи сув заҳиралари ҳажми қисқариб бормоқда, бу эса минтақада сув танқислиги таҳдидини юзага келтиради, — дейилади ҳужжатда.

Бугунги кунда минтақадаги сув омборларидан олинadиган сув миқдори 50%ни ташкил қилади.

Бу якуний кўрсаткич бўлган 60%га яқин, ундан кейин эса сув танқислиги инсонлар ва атроф-муҳит ҳолатига таҳдид сола бошлайди.

Маъруза муаллифлари минтақа давлатларининг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қила олмаслигидан ташвиш билдирганлар.

Бундан ташқари, улар куруқлик ва денгиздаги табиатни қўриқлаш ҳудудлари яратиш ва табиий заҳираларни сақлаб қолиш масаласида ҳам сезиларли муваффақиятга эриша олишмайди.

Эслатиб ўтамиз, 2000 йили БМТнинг минг йиллик Саммитида барча давлатлар томонидан қабул қилинган минг йиллик ривожланишнинг саккизта мақсади, қашшоқлик, очарчилик, саломатлик, гендер тенглик, таълим ва атроф-муҳит соҳаларидаги кўрсаткичларни қамраб олувчи бир қатор вазифаларни назарда тутди. Уларнинг аксарияти 2015 йил якунига қадар ҳал қилиниши лозим.

ЎХХ ахборот бўлими

Марказий Осиё давлатларида қурғоқчилик юзага келиш хавфи бор. Бу ҳақда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун томонидан тақдим қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минг йиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисидаги маърузасида сўз боради.

- Кавказ ва Марказий Осиёда қашшоқликка қарши кураш, таълим ва гендер тенгликни таъминлаш соҳасида сезиларли муваффақиятларни қўлга киритилди. Бироқ, қўшимча кўмақларсиз

Тест натижаларидан норози абитуриентлар учун апелляция бериш муддати 15 кунга қисқартирилди

2014 йил 27 июнь кундаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 172-сонли қарори билан Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга қатор ўзгартиришлар киритилди.

Шулардан бири, бу тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар учун апелляция бериш муддатининг ўзгартирилганидир. Бу бўйича Низомга қуйидаги янги банд қўшилди:

«Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриент тест синовлари натижаси эълон

қилинган кундан бошлаб ўн беш кун давомида Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига ёзма тартибда апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга»

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2011 йилнинг 6 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, апелляция бериш муддати 30 кун қилиб белгиланган эди.

UZBEK.FM

Ўзбекистон Бош Прокуратураси Мадумаров ва Авакьянларга нисбатан чиқарилган ҳукм ҳақида хабар берди



18 июль куни Ўзбекистон Бош Прокуратураси май ойининг охирида 13 та шахсга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ҳақида хабар берди, деб ёзади республика Бош Прокуратураси матбуот хизмати тарқатган маълумотга таяниб газета.uz.

Ўзбекистон Бош Прокуратураси матбуот хизмати 18 июль куни бир гуруҳ шахслар, жумладан Рустам Мадумаров ва Гаяне Авакьянларга нисбатан 24 май куни чиқарилган айблов ҳукми ҳақида хабар тарқатди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан Р.Мадумаров, Г.Авакьян ва бошқаларга (жами 13 нафар шахс) нисбатан бўлган жиноят иши юзасидан 2014 йил 24 май куни чиқарилган айблов ҳукми асосида судланувчилар содир этган жиноятлари учун эълон қилинган айбловлар бўйича айбли деб топилиб, уларга узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган»,

— дейилади хабарда.

Бундан ташқари, матбуот хизматининг ёзишича, «жиноят ишининг юқорида кўрсатилган шахсларнинг айрим жиноий шерикларига бўлган қисми алоҳида иш юритувга ажратилган ҳамда уларга нисбатан муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланган». Бош Прокуратура хабарида ишнинг бошқа тафсилотлари тўғрисида маълумот берилмаган.

Эслатиб ўтамиз, 17 февраль куни Terra Group, Prime Media ва Gamma Promotion компанияларининг мансабдор шахслари бўлган Рустам Мадумаров, Гаяне Авакьян ва Екатерина Клюевалар Бош Прокуратурага олиб келинганди.

Орадан икки кун ўтиб Бош Прокуратура берган хабарда юқоридаги компаниялар билан боғлиқ жиноят иши бўйича 10 киши олиб келингани маълум қилинганди.

Улар Ўзбекистон ичкарасида ва хорижда ноқонуний амалиётлар орқали сохта тузилмалар ташкил қилиш, ноқонуний даромад олиш ва жиноий даромадларни легаллаштириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, хориж валютасини яшириш ва уни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетиш сингари жиноятларда айбланган.

ЎХХ ахборот бўлими



Самарқандда шакар ва гўштнинг энг юқори нархи белгиланди

Самарқанд ёшлар марказида бозорларда халқ истеъмол молларига бўлган нарх-навоининг барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган селектор мажлиси бўлиб ўтди. Бу ҳақда 12uz.com нашри хабар берди.

Мажлисни вилоят ҳоқими Зойир Мирзаев олиб борган. Мажлисида вилоят ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, бозорлар уюшмалари, савдо мажмуалари ва давлат заҳираларидан озиқ-овқат маҳсулотлари олувчи йирик савдо корхоналари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишган.

Мажлис давомида сўнги пайтларда баъзи савдо шахобчаларида асосан шакар ва гўштга нисбатан нарх-навоининг кескин ошиб кетганлиги қайд этилган. Масалан жойларда бир кг гўшт нархи 23 мингдан 27 минггача қилиб белгиланган, шакар эса 5-7 минг сўм атрофида сотилмоқда. Мажлисида бунга маъсул бўлган ташкилотлар ва маҳалла фаолларининг ушбу ҳолатга бармоқ орасидан қараётгани танқид остига олинган.

Селектор мажлисида вилоят имом хатиби Н. Исломов, вилоят прокурори Б. Дехқонов ва «Нуроний» Жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Х. Нормуродовлар сўзга чиқиб барча фаолларни нарх-навоини барқарорлаштиришга чақирган. Сўзга чиққанлар ким ўз манфаатлари йўлида нархларни сунъий оширишга ҳаракат қиладиган бўлса қонун олдида жавоб беришини алоҳида таъкидлашган. Ҳозирда вилоятда бир кг гўшт учун энг юқори нарх 20 мингдан 21 минггача, шакар учун эса 3050 дан 3200 сўмгача нарх белгиланган.

UZBEK.FM

Эрдўғон: «БМТ нима ишга ярайди ўзи?»

Анқара шаҳрида бўлиб ўтган ифтор вақтида Туркия бош вазири Ражап Тойип Эрдоғон Фаластиндаги вазият ва Исроилнинг тинч аҳолига нисбатан агрессияси борасида берган шарҳида: «Мен шундай савол билан мурожаат қиламан: БМТ! Сени бу ҳолда нима керагинг бор, нима ишга ярайсан ўзи? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима учун тузилган эди?»

Бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун эмасмиди?», — дея хитоб қилди, деб ёзади ТЮРКИСТ.

Унинг сўзларига кўра, агар БМТ тинчликни таъминлаш ишини эплай олмаса уни тугатиб янгидан ташкил қилиш лозим.

«БМТ Хавфсизлик Кенгашига эътибор қилинг. Бутун дунё Хавфсизлик Кенгашининг бешта аъзо давлати қўлида ўйинчок. Улар нима десалар шу бўлади», — дея Эрдоғон сўзларидан иктибос келтиради маҳаллий ОАВ.

Бундан ташқари Туркия бош вазири Исроил билан муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнининг буткул тугатилганини билдирди.

«Менда Исроилнинг Ғазода нималар қилаётгани тўғрисида ишончли маълумотлар бор. Айни соатларда Ғазо минтақасида 1400 та ярадор бор ва 194 одам ўлдирилган.

Исроил 1470 та нуктага зарба берган. 660 та турар жой вайрон қилинган, 12600 та бино жиддий шикастланган. 19 та масжид ўққа тутилган ва вайрон қилинган. 33 та мактаб ва 6 та тиббий муассаса жиддий шикастланган. Буни ким қияпти? Исроил», — дея таъкидлайди Эрдоғон.

Унинг сўзларига кўра ҳеч ким дунёкараши қандай бўлишидан қатъий назар ўзини оқлай олмайди.

«Туркия бош вазинини хуш кўришмайди.

Бу табиий. Шундай бўлади ҳам. Қачон ва дунёнинг қаерида ҳақиқатни айтган одамни яхши кўришган?

Лекин биз барибир ҳақиқатдан воз кечмаймиз», — дея ўз сўзига яқун ясайди Туркия бош вазири.

УХХ ахборот бўлими



Россия Федерал хавфсизлик хизмати офицери Украина тарафига ўтди

2014 йил 18 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида, Миллий Гвардия ахборот хавфсизлиги Бошқармаси бошлиғи Юрий Стец Украина шарқидаги кўпгина Россия Федерал хавфсизлик хизмати офицерлари ва оддий аскарларининг россия ҳукуматидан норози ва Украинанинг яхлитлиги тарафдори эканликларини маълум қилди. Бу ҳақда «Украина сегодња: Finanso.net» нашри муҳбири хабар қилди.

Эътиборли жиҳати, ўз сўзларининг исботи сифатида Юрий Стец Россия армияси сафларини тарк этиб Украина тарафига ўтиш ва оддий аскар сифатида террорчиликка қарши амалиётларда иштирок этиш ниятида бўлган Россия Федерал хавфсизлик хизмати офицерининг видео мурожаатини намойиш қилди.

Кўпчилик офицерлар Путин қарорларидан норози

Юрий Стецнинг қайд этишича, «мазкур ҳолатда гап Россия Федерал хавфсизлик хизматининг амалдаги офицери ҳақида бормоқда ва видео мурожаат тахминан бир соатча олдин ёзиб олинган. Россия Федерал хавфсизлик хизматининг Владивостокда жойлашган чегара кўшинлари бошқармаси давлат инспектори катта лейтенант Илья Богданов денгиз захираларини муҳофаза қилиш бўйича назоратни амалга ошириш мақсадида Украинага келди. У билан суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, унинг ҳамкасблари орасида Россия ва Украина

ўртасида уруш чиқараётгани сабабли Россия лидери Владимир Путинга нисбатан норозилик кайфияти тарқалмоқда. Кўриниб турибдики, икки давлат ўртасида содир бўлаётган ходисалар Россия президенти фаолиятини баҳолашга жиддий таъсир қилган, шу жумладан Федерал хавфсизлик хизмати тузилмалари ходимлари орасида ҳам».

Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари Украина тарафига ўтишга ва унинг худудий яхлитлигини ҳимоя қилишга тайёр

Қайд этиш жоизки, Федерал хавфсизлик хизмати ходими ўз ҳамкасблари орасида айни нуктаи назарни ёқлайдиганлар борлигини ва уни қўллаб қувватлашларини таъкидлайди. Бундан ташқари, бундай офицерлар ҳар қандай дақиқада Украина тарафига ўтишга ва Украина шарқида бориб у ерда «қардош Украина халқи»ни ҳимоя қилиш мақсадида ёзилишга тайёр батальонларига ёзилишга тайёр.

Нашр муҳбирининг қайд этишича, ушбу офицер Украина армиясининг кўнгиллилар сафига қўшилишдан олдин ўз оиласи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни хавфсиз жойга олиб кетган. Бундан ташқари, бу шахснинг ҳақиқатан ҳам Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходими эканлиги текширилган.

Юрий Стецнинг таъкидлашича унинг нияти қанчалик самимийлигини ҳаракатлари кўрсатади.

Turkiston TV

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Дониёл алайҳиссалом вафоти
Дониёл алайҳиссалом бир муддат Бобилда истиқомат қилди (56). Кейин Ҳузистоннинг (57) Сус (58) ноҳиясига ерлашди (59). Уша ерда вафот этди (60). Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин.

Дониёл алайҳиссаломнинг жасади, қабри Сусдадир (61). Аллоҳу Таоло Ҳазрати Умар ҳалифалигида Сус шаҳрини Абу Мусо ал-Ашъарийнинг қўли билан фатҳ этди. Абу Мусо Сус қироли Сабурни ўлдирди.

Шаҳардаги нарсаларни, Сабурнинг мол-мулкини ганимат ўлароқ олди. Мол-мулкига боқар экан, қулфли бир маҳзан (омбор) кўрдилар. Қулф қалай билан мухрланганди.

Абу Мусо Сус халқидан:

- Бу омборда нима бор?, — де сўради.

- Эй амир, унинг ичида сенга ярайдиган бирор нарса йўқ, — дейишди.

- Унинг ичида нима борлигини муҳаққак билишим керак, — деди Абу Мусо.

Қулфни синдириб, маҳзанга кирдилар.

Абу Мусо маҳзанга кириб, ҳовуз каби ўйилган катта тош ичида, олтин ип билан тикилган бир кафан билан кафанланган, боши очиқ ҳолда ётган бир ўликни кўрди. Абу Мусо ва ёнидагилар ўликни бўйини фавкулудда узун эканлигини кўриб, ҳайратга тушдилар. Кейин улар жасаднинг бурнини қаричлаб кўрдилар. Бир қаричдан узун эканини кўришди..

Абу Мусо Сус халқига:

- Вой сизларнинг халқингизга-

ки, ким бу одам? — деди.

- Бу одам ироқлидир. Ироқ халқи у билан ёмғир дуосига чиқар экан, бизникилар уни Ироқликлардан олиб, ёмғир дуосига чиққанлар ва қурғоқчиликдан қутулганлар. Кейин уни Ироқликларга 50 кишини гаровга қолдириб, уни бу ерда олиб қолишган ва бу зот бу ерда вафот этган экан, — дейишди сусликлар.

Абу Мусо Ҳалифа Ҳазрати Умарга бир мактуб ёзиб, бу зот ҳақида ҳам билги берди.

- Ҳазрати Умар асҳобини чақириб, бу зот ҳақида билги истади.

Уларнинг ҳеч биридан фикр чиқмади.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (16).

Фақат Ҳазрати Али:

- Бу зот Дониёл Ҳакимдир. Расул бўлмаган нибийдир. Эски замонларда Бухтуннассор ва ундан кейин қироллар ёнида бўлган, — деди ва унинг қиссасини ҳикоя қилиб берди.

Кейин Ҳазрати Умарга:

- Абу Мусога ёз, унга жаноза намози қилсин, уни суслилар етишолмайдиган бир жойга дафн қилишга амр бер, — деди.

Ҳазрати Умар Абу Мусога ҳат ёзди (62). Хатида: “Уни оқ кафанга ўра, кафанга хушбўйлардан сурт, унга жаноза намозини қил, кейин уни пайғамбарларнинг кўмилгани каби кўм. Мол-мулкига қара, мусулмонларнинг байтуллоғига қўй”, деди (63). Шунда Абу Мусо халққа Сус ирмоғини бошқа тарафга оқизишни амр этди. Кейин Дониёл алайҳиссаломнинг кафанини бошқа кафан билан алмаштиришни буюрди. Сўнгра ёнидаги мусулмонлар билан бирга унинг жаноза намозини қилди. Суви қуритилган ирмоқнинг ўртасига кўмиб, устидан сув оқиздилар, яъни ирмоқни яна эски йўналишига солдилар (64).

Узайр алайҳиссаломнинг келиб чиқиши

Узайр (1) бин Жарва (2) Ҳорун алайҳиссаломнинг зурриётидандир (3).

Узайр алайҳиссаломнинг асир тушиши ва пайғабарлиги

Бухтуннассор Байтулмақдисни йиқиб, Бани Исроилнинг Таврот ўқиганлари ва олимлардан 40 минг кишини ўлдирди, булар орасида

Узайр алайҳиссаломнинг отаси ва бобоси ҳам ўлдирилганди (4). У пайтда Узайр кичик бола бўлгани учун ўлдирилмаганди. Унинг “Таврот” ўқиганини ҳеч ким билмасди (5). Бани Исроилдан олинган асир болалар билан бирга у ҳам Бобилга олиб кетилди (6). Бухтуннассорнинг қўлидаги асирлар ичида, Дониёл алайҳиссалом каби, Узайр алайҳиссалом ҳам бор эди (7)

Узайр алайҳиссалом Бухтуннассор ўлиб (8), Байтулмақдис тиклангандан сўнгра у ерга қайтиб келган Исроил ўғиллари ичида эди (9). Узайр алайҳиссалом 40 ёшига кирганда, Аллоҳу Таоло унга ҳикмат берди.

“Таврот”ни Узайр алайҳиссалом қадар ёд олган одам йўқ эди (10). Аллоҳнинг солиҳ ва ҳаким бир қули бўлган муҳаққак (11) ва Исроил ўғилларидан бир пайғамбар бўлганлиги ҳам маълумдир (12). Исроил ўғиллари Байтулмақдисга қайтишганда, ёнларида “Таврот” йўқ эди (13). Чунки Байтулмақдисга нарсалар қўлларидан олинганда, Таврот ҳам олинди, ёқилганди (14). Аллоҳу Таоло Исроил ўғиллари учун Тавротни янгилаш ва бу уларга мўжиза бўлсин, дея уларга Узайр алайҳиссаломни юборди. Узайр алайҳиссаломнинг қавмига Тавротни ўқиб, ёздирди. У: “Таврот будир”, — деди (15).

Исроил ўғиллари Тавротдаги ҳалол ва ҳаромни янгидан ўргандилар, Узайр алайҳиссаломга ҳеч кимга кўрсатмаган севгиларини кўрсатдилар. Узайр алайҳиссалом эса уларни тузатди, руҳи қабз этилгунча уларнинг орасида қолди. Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин! Узайр алайҳиссаломдан сўнгра Бани Исроил орасида баъзи бидъатлар чиқди (16), янглиш инончлар пайдо бўлди. “Аллоҳу Таоло “Таврот”ни қалбларимиздан суғуриб олгандан кейин, унинг бизнинг орамиздаги ўз ўғлининг қалбидан бошқа қалбга қўймас (17)” ёки “Узайр Аллоҳнинг ўғлидир!”, — дейишгача бордилар (18). Аллоҳу Таоло яҳудийларнинг ва христианларнинг бу хусусдаги далолатларини, ўзларига индирилган китобларини қандай ўзгартирганлари ҳақида Қуръни каримда шундай баён қилинади:

“Яҳудийлар: “Узайр Аллоҳнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўғли” дедилар. Насронийлар ҳам (Ийсо) Масих Аллоҳнинг ўғли” дедилар. Бу уларнинг оғзида (айлантирилганлар) жоҳилча сўзлар эдики, аввалги кофирларнинг сўзларига таклид этадилар. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а!

Улар Аллоҳни тарк этиб, олимларни, роҳибларни, Марямнинг ўғли Масихни тангри қилдилар. Ҳолбуки, улар ҳам бир бўлган Аллоҳга ибодат этишдан бошқа нарсага амр этилмагандир. Ундан бошқа илоҳ йўқдир. У Зот буларнинг тенглаштираётгани ҳар нарсдан муназзахдир (19).

Кўллари билан китобни (ёлғон янглиш) ёзиб, кейин уни паст бир баҳога сота билмак учун: “бу Аллоҳнинг ўзидандир, дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлмай! Бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлмай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлмай!” (20) Аҳли китобда шундай бир гуруҳ борки (бир нарса ўқиётгандай), тилларини китобга мос этиб букадилар, сиз уни китобдан, деб ўйлашингиз учун. Ҳолбуки, бу китобдан эмас.

“Бу Аллоҳ қатиндандир”, — дедилар.

Аммо у Аллоҳ қатиндан эмас.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (16).

Улар, билиб турган ҳолда, Аллоҳга қарши сўйларлар (21).

Юз йил ўлик қолдирилиб, кейин тирилтирилган зот Узайр алайҳиссалом эдими?

“Бақара” суръасининг 29-оятда юз йил ўлик қолдирилиб, кейин тирилтирилган зотнинг Узайр алайҳиссалом эканлиги ҳақида қарашлар мавжуд (22) ва “Салаф ва Ҳалаф уламосининг кўпчилиги ичида машҳур бўлган кўриш будир”, дейилмоқда (23). Ҳароб этилган шаҳар Байтулмақдис бўлганига кўра, Узайр алайҳиссаломнинг у ерга фақат Бухтуннассор ўлимидан сўнгра (24) Байтулмақдис имор этилгандан (тиклангандан) кейин (25), Исроил ўғиллари билан Бобилдан келганини ҳам (26) унутмаслик керак.

Зулқарнайн алайҳиссаломнинг келиб чиқиши пайғамбар бўлиши

Зулқарнайн алайҳиссаломнинг исми, уруғи ва пайғамбар бўлиб, бўлмагани ҳақида кўп ва чалқаш

ривоятлар мавжуд. Унинг Саъб бин Абдуллоҳ ул-Қаҳтоний бўлганлиги ривоят этилганидек, отасининг химорийлардан эканлиги ҳам айтилади (1). Ибн Ҳабиб Химор қиролларининг исмларини Хишом бин Калбдан китобига кўчирар экан, Саъб бин Карим бин Ҳамолни Аллоҳу Таоло ўз китобида “Зулқарнайн бин Ҳамолга эса, “Туббо” исмини берганини қайд этади (2).

Зулқарнайн алайҳиссалом ҳақида “ҳам набий эди, ҳам расул эди”, деганлар қаторида (3), у “расул бўлмаган бир набий эди”, деганлар ҳам бордир (4). Ҳазрати Алига кўра, Зулқарнайн алайҳиссалом на бир набий эди, на-да қирол. У Аллоҳнинг солиҳ бир кули эдики, у Аллоҳни севмиш, Аллоҳ ҳам уни севган эди (5).

Зулқарнайн алайҳиссаломнинг фазилатлари

Бошқа ҳеч кимсага берилмаган имкон ва сабаблар Зулқарнайн алайҳиссаломга берилганди. Ер юзининг шарқи, ғарби, ҳатто инсон оёғи тегмаган тупроқларга ҳам борган ва барча борилган ўлкаларни фатҳ этганди (6).

- Зулқарнайннинг Ер юзининг шарқи, ғарбига бориб улгуришга қандай кучи етганлиги ҳақида

сенинг фикринг қандай?, — деб сўраганларида, Ҳазрати Али:

- Булутлар унга йўлини тезлаштирар, эгри йўллар тўғирланар, унинг олдида ёйилар, кеча-кундуз унга бир бўлар эди, — деди (7).

Қуръони Каримда Зулқарнайн ҳақидаги баён

(Эй расулим,) яна сендан Зулқарнайн ҳақида сўраяжаклар. Айт: “Энди мен сизларга у ҳақдаги хабарни тиловат қилурман”. Ҳақиқатдан Биз унга (Зулқарнайнга) бу ерда салтанат-хукумронлик бердик ва (кўзлаган) барча нарсасига йўл — имконият ато этдик. Бас, у (аввал ғарбга қараб) йўл олди. То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач, у (қуёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва у (булоқ) олдида бир қавми учратди.

Биз: “Эй Зулқарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан”, — дедик. У айтди: “Золим бўлган кимсани, албатта азоблаймиз.

Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблар. Энди иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат-жаннат мукофот бўлур.

Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрурмиз.” Сўнгра, у (шарққа қараб) йўл олди. То (кетаётиб) кун чиқишга етиб боргач, унинг (қуёшнинг) бир қавми устига чиқаётганини (кўтарилаётганини) кўрдики, биз у (қавм) учун қуёшдан (сақланадиган уй, либос каби) бирон парда қилмаган эдик. Худди илгаригидек бўлди (яъни Зулқарнайн бу қавмга ҳам кун ботишдаги қавмга қилган муомаласини қилди). Аниқки, биз уни барча ишларидан хабардормиз (уни) ихота қилиб олгандирмиз. Сўнгра у яна йўл олди. То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавми учратди. Улар:

- Эй Зулқарнайн, шак шубҳасиз (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж-Маъжуж (қабилалари), ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, (биз билан уларнинг ўртасига) бир сад чекиб (бир тўғон қуриб) берурмисан?, — дедилар.

У (Зулқарнайн) айтди:

- Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга (мол-дунёдан билан эмас, балки) куч қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай. Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар. То (темир парчалари) иккала тоғ билан баробар бўлгач, (Зулқарнайн: Босқонлар билан) дам уринглар, — деди. Бас, қачон у (темир терсақларни қиздириб) ўт қилгач (эригач), деди:

- Менга эритилган мис (ҳам) келтиринглар, уни (темир парчаларининг) устидан қуюрман. Энди улар у (тўсиқ) устига чиқишига ҳам, уни тешиб ўтишига ҳам қодир эмаслар. Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (яъни, Қиёмат қоим бўлишига яқин қолганида) ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир, — деди (яна) у (8).

(Давоми келгуси сонда)



Ислом оламининг кўзга кўринган олимлари Ироқ ва Сурия давлатлари ҳудудларининг “Ироқ ва Шом Ислом Давлати” (ИШИД) жангари гуруҳи томонидан босиб олинган ерларида халифалик эълон қилганига кескин қарши чиқишгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Хусусан, Шайх Юсуф ал-Кардавий раҳбарлигидаги мусулмон олимлари Халқаро Иттифоқи ИШИД борасидаги ўз диний-ҳуқуқий Қарорида: “Мазкур гуруҳ томонидан ҳеч қандай келишувларсиз бир томонлама халифалик эълон қилиши ножоиздир ва Ислом қоидаларига зиддир”, – дея таъкидлаганди. Мазкур масала юзасидан Марказий Осиё диндорлари ҳам ўз муносабатларини баён қилишди. Қуйида Қорасувлик имом Рашиод қори Камоловнинг “Ироқ ва Шом Ислом Давлати” жангари гуруҳи эълон қилган халифалик борасида билдирган фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Тахририят

Хилофат саҳоба, тобеин ва барча фақиҳларнинг иттифоқи билан уммат учун фарз кифоя бўлган муҳим вожиботлардан.

Хилофат бир ўйин эмас, бир шахсий манфаат учун эришиладиган иш эмас, ҳурмат орттирадиган мансаб ўрни ҳам эмас, балки улуғ ибодатдир.

Хилофат — Аллоҳнинг мақсадини ер юзида У Зотнинг шариати билан умматнинг барча ишларидаги ҳожатларини сақлаш ва инсониятни Ислом шариати остида бошқариш

демакдир. Шу билан бирга ботил тараф бўлган барча ишларни ўчириб, даф қилиб, ҳақни қоим қилишдир.

Демак бу улуғ ва масъулияти оғир бўлган ва охирагга ё золим ё одил деб чақириладиган халифа ким ва қандай собит бўлади?

Бу ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз. Халифа тайн этилишида асосий асл шартлар:

Хилофат хусусида

1. Аҳли ақд билан шўро тузилиб улар билан маслаҳат қилишлик: Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур» (Шуро: 38)

Аллоҳ таоло аҳли сунна ва жамоанинг гўзал бўлган ва бошқа тоифалардан ажратиб турадиган сифати ҳақида хабар беришти. Набий алайҳиссаломнинг сийратларидан ҳам бу иш маълум. У киши алайҳиссалом саҳобалари билан маслаҳат қилиб иш қилишлари ва у кишидан сўнг у киши алайҳиссаломнинг саҳобаларида ҳам бу иш намуна бўладиган даражада ўрнатилган бўлиб қолди. Умар ибн Ҳаттоб розиаллоҳу анху айтадилар: «Кимки мусулмонларга маслаҳат солмай ўзига ёки бирон кишига байт қилишга чакирса, унга ва эргаштираётганга ҳам эргашилмайди ва уларни қатл қилинади.» Чунки бу иш фитнага олиб боради. Ва яна у киши айтадилар: Шўросиз хилофат бўлмас. (Бухорий)

Ибн Таймия айтади: Агар Умар ибн Ҳаттоб ва у киши билан бўлган (баъзи) саҳобалар у кишига (яъни Абу Бакрга) байъат беришга қодир бўлиб, қолган саҳобалар тўсқинлик қилишганларида (Абу Бакр) имом бўла олмас эдилар.... Балки қудрати ва шавкати бўлган жумҳур-қўпчилик саҳобаларнинг байъатлари билан имом бўлдилар. (Минҳаж Сунна).

Хўп, бу мўтабар бўлган аҳли ақд сифатидагилар кимлар? Улар шундай кишиларки

омматан мусулмонлар уларга эргашадилар ва уларни уммат орасида улуғ шавкати ва ўрни ҳурмати бор. Мана шундай тақво аҳли билан шўро тузилиб маслаҳат қилинишилиги тўғри ишдир.

2. Агар халифа ўзидан кейин халифани тайин этса имомат собит бўлади. Худди Муҳаммад алайҳиссалом Абу Бакр розиаллоҳу анхуни ўзидан кегин умматига халифа қилиб қолдирганидай ва Абу Бакр ҳам Умар ибн Ҳаттобни ўзидан кейин

халифа этиб қолдирганлари каби.

Лекин бугун бизнинг замонамизда хилофат йўқ бўлганлиги учун бу иш кўринмайди.

3. Хилофат куч билан зўрлик билан бўлишилиги ҳам мумкин. Лекин бунда бир неча шартлар, яъни агар хилофат ўрнатмоқчи бўлган мусулмон бу ишни қилишида яхшилик қиламан деб фасод келтириб қўймаслиги лозим. Чунки шариат қоидаларида келадики:

[Фасодни дафъ қилишлик, масолиҳни келтиришдан муқаддамдир].

Ва яна бу иш икки муҳим ишни ўз ичига олади:

1. Умматнинг барча ишларини сақлаб қолиш.

2. Барча шариатнинг шиорлари, белгилари ва мақсадларини сақлашлиги лозим.

Мана шулар топилса ғолиб бўлган султон деб тан олинади.

Мана шу уч асоснинг бири билан тўғри суннатга мувофиқ бўлган хилофат собит бўлади. Бу уч йўлга хилоф келган йўл билан хилофат тузилса у бидъий ва зулм йўли билан тузилган хилофат ва ундай хилофатнинг ҳеч бир этибори йўқ.

Биз нубувват кўринишида хилофат қайтиб келишлигига шак-шубҳасиз ишонамиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Сизларнинг орангизда пайғамбарлик Аллоҳ хоҳлаганича давом этади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Сўнг пайғамбарлик манҳаж (йўли)га мувофиқ халифалик Аллоҳ хоҳлаганича давом этади. Кейин эса Аллоҳ қачон хоҳласа, ўшанда уни (халифаликни) тамомлайди.» (Аҳмад, Албоний саҳиҳ деганлар)

Халифа ким? Саҳиҳ муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда келадики: «Одамлар бу шаънда Курайшликларгадир. Муслмонлари муслмонларига ва кофирлари кофирларига тобедурлар.» (Бухорий, Муслим) ва бошқа ҳадисда: «Бу иш (яъни ҳилофат) Курайшликлардан кўтарилмайди (яъни улар ҳақлидирлар).» (Бухорий, Муслим) имом Нававий айтадилар: Бу ҳадис ҳилофат Курайшликларга хос эканлигига очиқ далилдир. Ва бу ақд бошқалар учун жоиз эмас ва бу саҳобалар замонидан ва улардан кейингилар иттифоқ бўлиб келган ишдир. Ким ҳилоф келса, саҳобаларнинг иттифоқи ила, у бидъатчи маҳжуж бўлган кимсадир. Муслмон соғлом эътиқод соҳиби бўлса ва одамлар у кишини умматни бошқаришга қодир деб топган киши Курайшдан бўлса у кишини халифа деб тан олиш лозим бўлади.

Ибн Таймия айтади: Росулulloҳ соллолоҳу алайҳи ва саллам мавжуд ва маълум бўлган султонлиги ва инсонларни сиёсатига қодир бўлган имомларга итоат қилишга буюрдилар. Таги номалум мажҳул ва султонлиги бўлмаган ва ҳеч нарсага қодир эмасларга итоат йўқдир. (Минҳаж Сунна)

Имом Аҳмадроҳимаҳуллоҳдан

сўрадилар: «Кимнинг имоми бўлмасдан ўлса, у жоҳилият ўлимида ўлибти» деган ҳадиснинг маъноси нима? У киши айтдилар: имом ким эканини биласанми? Имом муслмонлар барчалари унда жам бўлинади, айтадилар: бу имом, деб. Бунинг маъноси шудир.

Энди бугунги кунимздаги эълон қилинган ҳилофатга тўхталсак: шайх Абу Бакр ал Бағдодийнинг даъволари ва у кишининг ишларини юқоридаги шаръийятдаги аҳли сунна ва жамоа қўйган асосларга солиб кўрамиз.

Биринчидан: У киши ҳилофатни эълон қилди ва халифа деб тан олишликка ва итоат қилишга барча муслмонларни чақирдилар. БУ СЎЗЛАРИ ЖУДА ХАТАРЛИДИР. Нима учун? Чунки юқоридаги шартларнинг биронтаси топилмади.

1. Шўро масаласига ҳилоф келди, очикроғи топилмади: бунда у киши ўзи турган минтақадаги номалум бўлган муслмонлар билан маслаҳат қилиб шуни шўро деб иш кўрди.

2. Ғолиб бўлганини эълон қилиши, очикроғи хато тушунди бу ишни ёки калта фаҳмлиқ қилди: бунда ҳам у киши ўзи турган минтақани мутлоқ бўлмаса ҳам ўша ерни кўпроқ қисмини эгаллади. Уша ер қаер? Ироқ диёрининг баъзи қисми.

Демак бу киши ҳилофатни ва у кишига итоат қилиб эшитишга чақирмасдан, балки ўзи турган Ироқ давлатида токи шўро тузулгунича ёки Ер юзига мутлоқ ғолиб келгунича ўз жамоасида шаръий маслаҳат билан иш

кўрсалар тўғри бўларди. Ва бу жуда инсофлик иш бўлиб ва ҳамда икром қилинишга ҳам мустаҳиқ деб топилар эдилар.

Иккинчидан: Шомдаги жиҳодий жамоатлар ичида Абу Бакр Бағдодийнинг «Ироқ ва Шом диёридаги Ислом давлати» деб номланган жамоатдан бир неча баравар катта ва ўз султонлигига эга бўлган жамоатлар ҳам бор. Уларнинг ҳеч бири ҳатто маълум бўлсалар ҳам шўро тузилиб ва мутлоқ ғолиб бўлгунларича ҳилофт эълон қилишмадилар. Энди буларни кутиб ўтираверамизми деган содда муслмонларга юқоридаги асосларни эслатамизки буларга қайтилмаса фитна ортидан фитна келади. Жоҳилият ўлимни топмай байъат бериб қолай деб байъатга шошилаётганларга эса айтамикки: бу бир жаҳолатдан иккинчи жаҳолатга кўчишдан бошқа нарса эмас.

Учинчидан: у кишининг аҳли байтдан деб тан олиб шуни пеш қилинишлиги масаласи: ибн Касир роҳимаҳуллоҳ айтадилар: Аҳли байтдан ҳеч ким халифа бўлмайди, илло охири замонда Исо ибн Марям Осмондан Ерга тушган вақтларида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал Маҳдий бўладилар. (Бидоя ва Ниҳоя)

Тўртинчидан: У кишининг жамоати муслмонларни такфир этиш билан аҳли илм ва толиби илмлар орасида маълум. Такфир масалаларида ғулувга кетган ва бу ишни жуда енгил қарайдиган жамоалардан.

Валлоҳу аълам!

Рашод қори Камолов
www.facebook.com
саҳифасидан олинди



ОИТС (СПИД)га қарши самарасиз олиб борилган кураш натижасида Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида

Шаҳрисабзда олти та бола ОИТС (СПИД) туфайли вафот этди

2007-2013 йилларда 26 та вояга етмаган шахс ОИТС (СПИД) билан касалланган ва улардан 6 таси вафот этган.

Бу ҳақда Шаҳрисабз прокурори Шерали Аширов маълум қилди, деб ёзади Ўзбекистондаги ярим расмий 12news.uz сайти.

«Мазкур факт юзасидан

Жиноят кодексининг 113 моддаси 3 қисми бўйича (ОИТС (СПИД) касаллигини тарқатиш) жиноий иш очилди», — дейди Аширов.

Агар судда далиллар ўз тасдиғини топадиган бўлса айбдорлар беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

ЎХХ ахборот бўлими

Гулнора Каримова атрофида бўлаётган ходисалар олдиндан пухта режалаштирилган сценарий асосида уни Ғарбда жиноий жавобгарликдан кутқариш мақсадида амалга оширилмоқда.

Гулноранинг шериклари бўлган Мадумаров ва Авакянларга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ҳақидаги хабарларнинг ҳақиқатга яқинлик эҳтимоли 100% бўлса ҳам ҳозирча норасмий характерга эга. Бу ҳақда сиёсатшунос ва МДҲ давлатлари бўйича эксперт Аркадий Дубнов «Русская планета» нашрига маълум қилди.

Экспертнинг қайд этишича, ушбу ҳукм тарихи унга собиқ Россия мудофаа вазири Анатолий Сердюков ва идоранинг юқори



Гулнора Каримова можароси олдиндан режалаштирилган сценарий асосида бормоқда — эксперт

мартабали ходимларидан бири Евгения Васильеваларга нисбатан очилган жиноий иш ва суд жараёнини жуда эслатади.

«Схема жуда ўхшаш: Эндиликда Сердюковга ҳеч нарса таҳдид солаётгани йўқ — у амнистияга тушган ва бутан айб қандайдир порахўрлик билан боғлиқ битимлар туфайли Васильеванинг бўйнига илинган. Худди шу сингари ўзбекча вариантда Сердюков ўрнини Гулнора Каримова эгаллайди.

Унинг ҳам гўёки ҳибсга олиниш хавфи бор. Ҳозирда у гўёки уй қамоғида, бироқ унинг назорати остидаги тузилмалар ва жамғармаларнинг фаолияти билан боғлиқ бутун айбловлар унинг шериклари зиммасига юклатилган», — дея изоҳ беради Дубнов.

Унинг фикрича, жиноий жавобгарлик нуктаи назаридан Гулнора Каримовага ҳеч қандай хавф йўқ ва бироз вақт ўтгач уй қамоғидан ҳам чиқади.

Сиёсатшуносга кўра Гулнора Каримованинг шериклари Мадумаров ва Авакянлар ҳам берилган жазо муддатларини тўлиқ равишда ўташмайди ва яқин келажакда уларга нисбатан қўлланилган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади.

«Бу фақат кўрқитиш акцияси холос. Бу ўзбек куч ишлатар тузилмалари ва бошқарув элитаси ичидаги кланлар ўртасидаги кураш билан алоқадор.

Ушбу ўйин давомида жанжалли ишдан чиқиш учун вариантлар сифатида турли хил «сценарийлар ўйлаб топилади»,

— деб ҳисоблайди Дубнов. Экспертнинг фикрича, Каримов неварасининг РЕН-ТВ телеканали берган интервьюси ҳам рамзий характерга эга бўлиб, олдиндан режалаштирилган сценарийдаги юришлардан биридир. Бу ерда Гулнора Каримованинг ўғли оддий пиёда ролини ижро қилиб берди холос.

«У фақат онасининг ҳалигача барча бева-бечора ва мазлумларнинг химоячиси эканлигини, шунинг учун ҳам унга ҳозир жуда оғирлиги ҳамда гўёки куч ишлатар тузилмалар томонидан жиддий босим остида қолаётганини намойиш қилиш мақсадида жалб қилинган.

Менимча президент неварасининг бундай чиқиши амалга оширилаётган яхлит сценарийнинг мақсадини тасдиқлайди: охир оқибатда Гулнора Каримова салкам сиёсий маҳбус деб тан олинади.

Бу эса унга қайсидир маънода унинг Ғарбда жиноий жавобгарликка тортилишдан кутилиб қолишга ёки унинг оқибатларини энгиллатишга ёрдам беради», — дея ўз фикрига яқун ясайди Дубнов.

ЎХХ ахборот бўлими



“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик